

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**АЛИЕВ РАВШАН МАРАТОВИЧ**

**ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИДА ЙЎЛ  
УЧАСТКАЛАРИ ҲОЛАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАТЧИКЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МОДЕЛЛАРИ, АЛГОРИТМЛАРИ ВА  
ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРИ**

**05.01.06 – Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари  
ва қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Content of the abstract of Doctoral (DSc) dissertation**

**Алиев Равшан Маратович**

Поездлар ҳаракатини бошқариш тизимларида йўл участкалари  
ҳолатини назорат қилиш датчикларини такомиллаштириш  
моделлари, алгоритмлари ва дастурий воситалари .....5

**Алиев Равшан Маратович**

Модели, алгоритмы и программные средства  
усовершенствования датчиков контроля состояния  
путевых участков в системах управления движением поездов.....27

**Aliev Ravshan Maratovich**

Models, algorithms and software for the  
improvement of track sensors in train control systems .....51

**Список опубликованных работ**

Эълон қилинган ишлар рўйхати  
List of published works .....55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**АЛИЕВ РАВШАН МАРАТОВИЧ**

**ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИДА ЙЎЛ  
УЧАСТКАЛАРИ ҲОЛАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАТЧИКЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МОДЕЛЛАРИ, АЛГОРИТМЛАРИ ВА  
ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРИ**

**05.01.06 – Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва  
қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.2.DSc/T87 - сонли рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация авторсферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tgtu.uz](http://www.tgtu.uz)) ва "Ziyouct" таълим ахборот порталида ([www.ziyouct.uz](http://www.ziyouct.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Халиков Абдулҳак Абдулҳайрович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Абдукаюмов Абдурашид техника фанлари доктори, профессор Плахтнев Анатолий Михайлович техника фанлари доктори, профессор Нурмухамедов Толаниддин Рамзидинович техника фанлари доктори, профессор
Етақчи ташкилот:	«Илмий-техник марказ» МЧЖ


Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.03.02.рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил 2 июль соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2 уй. Тел: (99871) 246-46-00, факс: (99871) 2271032, e-mail: [tgtu\\_info@edu.uz](mailto:tgtu_info@edu.uz)).


Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_ рақами билан рўйхатга олинган).


Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси 2 уй. Тел: (99871) 2460341.

Диссертация авторсферати 2018 йил 17 май куни тарқатилди.  
(2018 йил 20 май даги 1 рақамли ресстр баёномаси)



  
Н.Р. Юсупбеков  
Илмий даражалар берувчи  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

  
Ж.У. Севинов  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

  
Х.З. Игамбердиев  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси  
т.ф.д., профессор, академик

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи техник воситалар ишончилигини оширишда ахборот-коммуникация технологиялари асосида юқори самарадорликка эга бўлган поездлар ҳаракатини интервалли бўйича бошқариш тизимларини яратиш етакчи ўринларни эгаллайди. Шу жиҳатдан поездлар ҳаракатини интервалли бўйича бошқариш тизимлари таркибидаги йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш датчикларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Англия, Франция, Германия, Швеция, Япония, Россия мамлакатларида тез юрар поездлар ҳаракати хавфсизлигини оширувчи техник воситаларини, интервал бўйича бошқариш тизимларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон амалиётида изоляцияловчи уламаларсиз тонал рельс занжирлари асосидаги назорат датчиклари ҳамда бошқариш тизимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан изоляцияловчи уламаларсиз тонал рельс занжирларини (ТРЗ) ишлаб чиқиш, изоляцияловчи уламаларсиз ТРЗларни такомиллаштириш, шунтлаш ва автомат локомотив сигнализацияси (АЛС) кодли сигнали алмашинуви унга поезд кириб келган вақтдан эмас, балки унинг назорат қилинаётган участкага яқинлашиб келишида, муайян масофада, шунингдек поезд назорат датчигидан маълум масофага узоқлашганида кодли сигнали алмашинуви тизимини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамызда ҳозирги кунда тез юрар поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи техника воситалари ва мажмуаларини, жумладан электрлаштирилган темир йўл линияларини кенгайтириш ҳамда уларда йўлланиладиган автоматика тизимининг элементларини такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан назорат датчиклар изоляцияловчи уламаларсиз рельс занжирлари асосида поездлар ҳаракатини интервалли бўйича бошқаришга доир тизимларни яратишда сезиларли натижаларга эришиб келинмоқда ва поездлар ҳаракатини интервалли бўйича бошқариш тизимларини такомиллаштириш, энергия тежамкор қурилмалар, техник восита ва технологияларни такомиллаштириш талаб этилмоқда. 2017-2021 йилларида Ўзбекистон Республикасини Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодий, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифани амалга оширишда поездлар ҳаракатини бошқариш тизимларида йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш датчикларини такомиллаштириш, тадбиқ этиш, уларни унумдорлигини, ишончилигини янада

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда диссертация тадқиқотида олинган натижалар маълум даражада хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда таркибий ўзгаришларни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сон «2015-2019 йилларда муҳандислик, коммуникация ва йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежаш» ва IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларининг ривожлантириш» устувор йўналишларига доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.<sup>2</sup> Темир йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш датчикларини ишлаб чиқишга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, General Electric Transportation (АҚШ), Institute of Communications Technology Hannover, Siemens, AEG, SEL ва Брауншвейг Техника университети (Германия), Bombardier transportations (Канада-Швеция), Москва темир йўл муҳандислари институти, Самара давлат темир йўл университети, Петербург давлат темир йўл университети (Россия), Тошкент темир йўл муҳандислари институти (Ўзбекистон) томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Назорат датчикларининг моделлари ва алгоритмларини такомиллаштириш борасида жаҳонда олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: юқори тезликда ҳаракатланувчи поезд линиялари учун уламасиз рельс занжирлари ишлаб чиқилган (General Electric Transportation, АҚШ); уламасиз рельс занжирлари асосида импульс модуляцияли тонал частотали назорат датчиклари яратилган (Institute of Communications Technology Hannover, АҚШ); VM-71 типидagi уламасиз рельс занжирлари асосидаги назорат датчиклари яратилган (Science and Research Center Alcatel, Франция); Нанбоку йўналиши бўйича метрополитен поездларининг ҳаракатини бошқариш тизими ишлаб чиқилган (LIFE халқаро лабораторияси, Япония); ўзгарувчан токда ишлайдиган, тонал частотаси  $4,75 \div 16,5$  кГц бўлган уламасиз кодланган, масофадан қувватланадиган назорат датчиклари ишлаб чиқилган (Research Center Siemens, ФРГ, Bombardier transportations, Канада-Швеция); автомат тарзда

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларни шарҳи: <https://signallingsolutions.com/>; [http://www.unece.org/trans/theme\\_its.html](http://www.unece.org/trans/theme_its.html); <http://www.era.europa.eu>; <https://www.bombardier.com/en/transportation.html> ва бошқа материаллар асосида бажарилган

мувофиқлаштириладиган тонал рельс занжирлари ишлаб чиқилган (ТРЦ-А) (Москва темир йўл муҳандислари институти, Россия).

Жаҳонда назорат датчикларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: юқори тезликлар линиялари учун изоляция уламаларисиз назорат датчикларини ишлаб чиқиш; темир йўл поездлари растли фаолияти ҳаракатланадиган майдонлари учун назорат датчиклари ишлаб чиқиш; кўшимча шунтланиш зоналар бўлмаган назорат датчикларни ишлаб чиқиш, темир йўл рельс линиясининг изоляция қаршилиги доимий ўзгариш ва кўшни йўллардаги поездлар таъсирига боғлиқлиг масалаларни ишлаб чиқиш; замонавий микропроцессорли технологияларни қўллаган ҳолда датчикларнинг математик апарати, моделлаш услублари ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йиллардаги поездлар ҳаракатини интервалли мувофиқлаштириш тизимларида йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш датчикларини яратишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларга доир илмий-техник адабиётларнинг таҳлили бу соҳада жиддий назарий ва амалий натижаларга эришилганлигини кўрсатади. Изоляцияловчи уламали рельс занжирлари асосидаги маънавий эскирган датчикларни алмаштириш масалаларига бағишланган кўплаб ишлар чоп этилиб, назорат датчикларини яратишнинг умумий назарий концепциялари ишлаб чиқилган ва ҳал этилган амалий масалалар сонни ортиб бормоқда. Россия ва хорижий давлатлар темир йўлларининг турли участкаларида ишлаётган назорат датчикларини яратишнинг турли усуллари мавжуд ва ишлаб чиқилмоқда.

Магистрал темир йўллари ва метрополитен йўллари ҳолатини назорат қиладиган датчиклар яратишга доир назарий ва амалий масалалар билан Gregor Teeg, W.Vantuono, O. Weber, M. Fisher, J. Hubner, H. Hristov, I. Okimura, G. Thomasch, Брылеев А.М., Пенкин Н.Ф., Котляренко Н.Ф., Шишляков А.В., Кравцов Ю.А., Аркатов В.С., Дмитриенко И.Е., Лисенков В.М., Бестемьянов П.Ф., Сапожников Вл.В., Сапожников В.В., Шелухин В.И., Шалягин Д.В., Нестеров В.Л., Лекута Г.Ф., Полевой Ю.И каби етакчи олимлар шуғулланган ва шуғулланмоқда. Юртимиз олимларидан Юсупбеков Н.Р, Игамбердиев Х.З, Халиков А.А, Амиров С.Ф., Шипулин Ю.Г., Арипов Н.М. ва бошқа олимларнинг назарий ва тажрибавий тадқиқотларида кўриб чиқилган ва муҳим натижаларга эришилган.

Шу билан бирга ҳамон Ўзбекистон темир йўлларида кенг қўлланилиши мумкин бўлган оддий ва универсал ечим топилганича йўқ. Ҳозирга келиб турли иш режимларидаги назорат датчикларини таҳлил ва синтез қилишнинг кўшни темир линияларини уларнинг кириш тўлқинлари қаршиликлари билан алмаштиришга асосланган аналитик ифодаларини аниқлаш услублари ишлаб чиқилган ва қўлланиб келиниб, уларнинг тахминий аналитик ифодалари олинган, бу эса бир-биридан каттагина фарқ қилиши мумкин бўлган кўшни рельс линиялари бўйлаб тоқлар ва кучланишларнинг ҳақиқий тақсимланиши, рельс линиялари параметрларидаги фарқни, ёнма-ён (кўшни) назорат датчикларида ҳаракатланувчи таркиб мавжудлигини ҳисобга олиш имконини

бермайди. Бўйлама ассиметриянинг назорат датчиклари ишлашига таъсири бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган, шунингдек шунтлаш қўшимча зоналари муаммоси ҳал этилмаган бўлиб, булар туфайли назорат датчигининг ҳақиқий узунлиги мавжуд эмаслиги бўйича тадқиқотлар етарли даража ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл мухандислари институти илмий тадқиқот ишлари режасининг 27-сон «АРМ таъмирлаш ва сигнализация ва алоқа масофаларидаги технологик бўлимларини ташкил этиш учун дастурий таъминотни ишлаб чиқиш (2013), 96-сон «Юқори тезликдаги йўллардаги локомотивга маълумот етказиш учун темир йўл линиясининг оптимал узунлигини аниқлаш учун дастурий таъминотни ишлаб чиқиш» (2016) мавзудаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** поездлар ҳаракатини бошқариш тизимларида йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш датчикларини яратиш бўйича математик моделлар, уларнинг алгоритмлари, ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

йўл участкаси ҳолатини назорат қилиш датчиги ҳақиқий узунлигини барқарорлаштириш усулини ишлаб чиқиш;

асосий ишчи режимларида назорат датчикларини таҳлил ва синтез қилиш учун аналитик ифодаларни аниқлашнинг усул ва моделларини ишлаб чиқиш;

йўл қабул қилгичларини бир-бирига турлича улаш усулларига эга бўлган назорат датчикларининг математик моделларини ишлаб чиқиш;

адаптив қабул қилгичли йўл участкаларини назорат қилишнинг назорат датчиклари математик модели, алгоритми, дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

комбинацияли назорат қилиш датчиги математик модели, алгоритми, ҳамда тадқиқ этиш дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

юқори тезликдаги участкалар учун локомотив қабул қилгичи бўйича рельс линиясининг оптимал узунлигини аниқлаш;

йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш микропроцессорли тизимини техник жиҳатдан амалга оширилишини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** темир йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш назорат датчиклари ва микропроцессор қўрилмалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** йўл қабул қилгичларининг турли улаш усуллари билан назорат қилиш датчикларининг математик моделларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлилнинг умумий методологияси, тақсимланган параметрлари билан рельс занжирлар назарияси, темир йўл оқимлари назарияси, ҳаракат таркибининг интервалли назорат қилиш назарияси, математик анализнинг аналитик ва сонли усуллари, моделлаштиришнинг математик усуллари ва алгоритмларидан фойдаланилган.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйдагилардан иборат:

йўл участкаси ҳолатини комбинацияланган усулда назорат қилиш учун изоляция уланмаларисиз рельс занжири қурилмаси ишлаб чиқилган;

йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш датчикларининг нормал, шунтли ва назорат режимларида ишлайдиган математик моделлари ишлаб чиқилган;

норматив шунтлаш сезувчанлиги, мутлақ (абсолют) шунтлаш сезувчанлиги ва рельсли линияси узилишиларига сезувчанлигининг мезонлари асосида йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш учун датчиклар ишлаб чиқилган;

датчикларнинг қўшимча шунтлаш зоналарининг оптимал узунликларини аниқлаш орқали формаллаштирилган ифодалар ва алгоритмлар ишлаб чиқилган;

адаптив қабул қилгич билан ишлайдиган назорат датчиклари учун математик моделлар ва алгоритмлар ишлаб чиқилган;

локомотив қабул қилгичи бўйича асосий ва йўл қурилмалари носозлигини назорат қилишга асосланган назорат ҳамда икки поезднинг яқинлашиш режимлари бўйича назорат қилиш датчигининг математик модели ишлаб чиқилган;

юқори тезликда ҳаракатланувчи йўлларда локомотивга ахборотни узатиш учун поезд станцияга яқинлашиб келишидаги кодлашнинг математик модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйдагилардан иборат:

йўл участкалари ҳолатини назорат қиладиган замонавий датчикларни лойиҳалаш ва уларнинг оптимал параметрларини аниқлаш учун математик моделлар, алгоритмлар ва дастурлар ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган назорат датчикларидан изоляциянинг анча паст қаршиликларида ҳам фойдаланиш имконини берадиган изоляция қаршилигининг оптимал қиймати ҳамда поезд шунти қаршилигининг норматив қийматлари асосланган;

назорат датчикнинг таклиф қилинган математик модели локомотив қабул қилгичи бўйича муайян юқори тезликли ҳаракатланиш участкаларида рельс линияларининг оптимал узунлиги аниқланган;

изоляция уланмаларисиз йўл участкаларини назорат қилишга мўлжалланган назорат датчикларининг амалдаги узунлигини аниқ қайд этиш учун қабул қилгичли датчиги қурилма ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги поездлар ҳаракатини интервалли бошқариш тизимлари таркибида йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш датчикларини яратишга доир назарий жиҳатдан асосланган, рельс занжирлари назарияси асосидаги концепцияларнинг қўлланиши, назарий ишланмалар ва экспериментал тажрибалар натижаларининг ўзаро мос ва мувофиқлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти темир йўл линиялари йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш учун инновацион назорат датчикларини ишлаб чиқишнинг илмий асослари яратилиб, турли ахборот қабул қилгичларига эга

бўлган назорат датчикларининг математик моделлари, усуллари ва ҳисоблаш алгоритмлари ҳам йўл ҳаракатининг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлайдиган микропроцессорли технологияларидан фойдаланган ҳолда темир йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш учун назорат датчикларини яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган математик моделлар, тадқиқот усулларини қўллаш, юқори тезликда йўллар учун йўллар ҳолатини назорат қилиш учун назорат датчикларини яратиш, ишлаб чиқилган услуб ва алгоритмлар темир йўлларда поездлар ҳаракатини интервалли бўйича бошқариш замонавий тизимларини лойиҳалаштириш, микропроцессорли технологияларни қўллаш билан поездлар ҳаракати хавфсизлигини яхшилашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларинининг жорий қилиниши.** Поездлар ҳаракатини бошқариш тизимларидаги йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш датчикларини такомиллаштириш модели, алгоритмлари ва дастурий воситалари бўйича олинган натижалар асосида:

йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш учун датчиклар «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги Сигналлаштириш ва алоқа бошқармасида жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2016 йил 21 ноябрдаги НГ/3947-16-сон маълумотномаси). Натижада поездлар ҳаракатланиш хавфсизлигини 15% мартага ошириш имконини яратилган;

назорат датчикларнинг ускуналарини текшириш учун алгоритм ва дастурий воситалар «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги Сигналлаштириш ва алоқа бошқармасида жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2016 йил 21 ноябрдаги НГ/3947-16-сон маълумотномаси). Натижада йиллик иқтисодий самара темир йўл участкасининг 1 километрига 12,9% ташкил қилган;

йўлнинг юқори тезликли линияларида ахборотни локомотивга узатиш учун рельс линиясининг оптимал узунлигини аниқлашнинг алгоритмлари ва дастурий воситалари «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги Сигналлаштириш ва алоқа бошқармасида жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2016 йил 21 ноябрдаги НГ/3947-16-сон маълумотномаси). Натижада сигналларни узатиш жараёнида кодлаштириш участкалари учун сарфлар 40% га камайитириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та миллий илмий-техник анжуманларидан муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзусига 38 та илмий мақолалар, шу жумладан 1 та монография, Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган 10 та мақола ва чет эл нашрларида 3 та мақола, Халқаро ва Республика конференцияларининг тўпламларида 13 та мақола чоп этилган. Фойдали модел учун 2 та патент ва ЭХМ учун дастурларни расмийлаштириш бўйича 9 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан

иборат. Диссертациянинг асосий қисми 196 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида муаммони ҳал этишнинг муҳимлиги ва диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалар ифодаланган, объект ва тадқиқот мавзуси аниқланди, тадқиқот Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган, илмий янгилик ва тадқиқотларнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги исботланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти аниқланган, тадқиқот натижаларининг амалий қўлланмалар рўйхати, шунингдек нашр қилинган асарлар, фойдали моделларга патентлар, дастурларни рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари ва диссертация тузилмалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Поездлар ҳаракатини интервалли тартибга солиш тизимларида йўллар ҳолатини назорат қилиш датчиклари тизимининг таҳлили**» номли биринчи бобида йўл участкаларининг ҳолатини назорат қилиш учун «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ темир йўлларида қўлланадиган назорат датчикларининг тизимли таҳлили берилган бўлиб, йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш усуллари ва услубларига оид умумий тасаввур масалалари ўрганилган. Йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш усуллариининг афзалликлари ва камчиликлари аниқланди.

Йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш учун назорат датчикларнинг ривожланишидаги замонавий тенденциялар кўриб чиқилиб, кўзатувчи омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда назорат қилишнинг энг истиқболли усуллари аниқланди.


Йўл участкалари ҳолатини назорат қилишнинг мавжуд ва истиқболдаги услубларини тизимли таҳлил қилиш орқали йўлнинг юқори тезликда ҳаракатланадиган участкаларига мос ва юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар хавфсизлигини таъминлай оладиган замонавий датчиклар яратишнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш вазифасини ҳал этиш йўллари аниқланди.

Адабий манбаларни ўрганиш натижалари ва йўл участкалари ҳолати мониторингининг оператив ва истиқболли услублари таҳлили натижаларига асосланиб, тадқиқотнинг асосий вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Йўллар ҳолатини назорат учун датчикларнинг усуллари ва моделлари**» йўл участкаларининг ҳолатини назорат қилиш датчиклари ишлаб чиқишнинг назарий масалалари асосида кўриб чиқилган ва назорат датчикларини уларнинг барча иш режимларида таҳлил ва синтез қилиш учун аналитик ифодалар аниқланган.

Математик моделлар ишлаб чиқилган ва қўшимча шунтланиш зоналари аниқлаштирилган.

Қўшимча шунтлаш зоналарини аниқлаш учун потенциал қабул қилгичли назорат датчиклари учун алмаштириш схемаси таклиф этилган (1-расм).



1-расм. Потенциал қабул қилгичи бўлган назорат датчигининг алмаштириш схемаси

Поезднинг кетиш йўли бўйлаб назорат қилинадиган участкадан кетишини аниқлаш учун максимал қўшимча шунтланиш зонасини кетаётган поезднинг йўқлигидаги узатиш қаршилигининг  $Z_{ш\text{поу}}$  қўшни рельс занжирида кетаётган поезд мавжудлигидаги узатиш қаршилигига  $Z_{ш\text{шу}}$  нисбатини олиб, қўшимча шунтланиш зонасининг узунлиги максимал қиймати қуйидаги формула бўйича  $R_{ш1} = 0$  бўлганида қуйидаги формула бўйича мумкинлигини ҳисобга олиб содир бўлиши мумкин:

$$\frac{Z_{ш\text{поу}}}{K_{нв} Z_{ш\text{шу}}} > 1, \quad (1)$$

бунда

$$Z_{ш\text{поу}} = Z_{вк2} * (ch\gamma_2 l_2 + sh\gamma_2 l_2) + Z_{в2} sh\gamma_2 l_2 + Z'_{вкн2} * \rightarrow$$

$$\rightarrow * (Z_{вк2} * \frac{2}{Z_{в2}} (ch\gamma_2 l_2 + sh\gamma_2 l_2) + ch\gamma_2 l_2 + sh\gamma_2 l_2); \quad (2)$$

$$Z_{ш\text{шу}} = (ch\gamma_2 l_2 + \frac{Z_{в2} sh\gamma_2 l_2}{Z_{в3}}) * Z_{вк2} + Z_{в2} sh\gamma_2 l_2 + \rightarrow$$

$$\rightarrow + Z'_{вкн2} * [\frac{ch\gamma_2 l_2}{Z_{в1}} + \frac{1}{Z_{в2}} sh\gamma_2 l_2 + \frac{1}{Z_{в3}} (ch\gamma_2 l_2 + \frac{Z_{в2} sh\gamma_2 l_2}{Z_{в1}}) + \rightarrow$$

$$+ \frac{Z_{в2} sh\gamma_2 l_2}{Z_{в1}} + ch\gamma_2 l_2]; \quad (3)$$

$$Z_{вк1} = \frac{Z_{вк1} * (\frac{ch\gamma_1 l_{дш\text{у}}}{Z_{в1}} * \frac{R_{ш1} * Z_{в1} + Z_{ш1}}{R_{ш2} + Z_{в1}} + sh\gamma_1 l_{дш\text{у}})}{Z_{в1} * (\frac{1}{Z_{в1}} * sh\gamma_1 l_{дш\text{у}} * \frac{R_{ш1} * Z_{в1} + Z_{ш1}}{R_{ш1} + Z_{в1}} + ch\gamma_1 l_{дш\text{у}})}; \quad (4)$$

$$Z_{вк1} = \frac{Z_{вк1} * (\frac{ch\gamma_1 l_{дш\text{у}}}{Z_{в1}} * \frac{R_{ш1} * Z_{в1} + Z_{ш1}}{R_{ш2} + Z_{в1}} + sh\gamma_1 l_{дш\text{у}})}{Z_{вк1} * (\frac{1}{Z_{в1}} * sh\gamma_1 l_{дш\text{у}} * \frac{R_{ш1} * Z_{в1} + Z_{ш1}}{R_{ш1} + Z_{в1}} + ch\gamma_1 l_{дш\text{у}})};$$

$$Z_{\text{ВХЗ}} = \frac{\left(\frac{Z_{\text{П4}} \cdot Z_{\text{ВХКЗ}}}{Z_{\text{В4}} + Z_{\text{ВХКЗ}}} \cdot ch\gamma_3 l_3 + Z_{\text{В3}} sh\gamma_3 l_3\right) \cdot Z'_{\text{ВХНЗ}}}{\left(\frac{Z_{\text{П4}} \cdot Z_{\text{ВХКЗ}}}{Z_{\text{В4}} + Z_{\text{ВХКЗ}}} \cdot \frac{1}{Z_{\text{В3}}} sh\gamma_3 l_3 + ch\gamma_3 l_3\right) + Z'_{\text{ВХНЗ}}}$$

Поезднинг назорат участкасига яқинлашуви бўйича максимал шунтлаш зонасини аниқлаш учун кетаётган поезднинг йўқлигида  $Z_{\text{ПОП}}$  узатиш қаршилигини қўшни рельс занжирида кириб келаётган поезд борлигида  $Z_{\text{ПШП}}$ , узатиш қаршилигининг ўзаро нисбатлари олиниши билан аниқлаш мумкин, бунда қўшимча шунтлаш зонаси узунлигининг максимал қиймати  $R_{\text{Ш1}} = 0$  ва  $R_{\text{Ш2}} = 0$  бўлганида қуйидаги формула бўйича ўрин олиши мумкинлиги ҳисобга олинади:

$$\frac{Z_{\text{ПОП}}}{K_{\text{ИВ}} Z_{\text{ПШП}}} > 1, \quad (4)$$

бунда


$$\begin{aligned} Z_{\text{ПОП}} &= Z_{\text{ВХК2}} \cdot (ch\gamma_2 l_2 + sh\gamma_2 l_2) + Z_{\text{В2}} sh\gamma_2 l_2 + Z'_{\text{ВХН2}} \rightarrow \\ &\rightarrow * \left( Z_{\text{ВХК2}} * \frac{2}{Z_{\text{В3}}} (ch\gamma_2 l_2 + sh\gamma_2 l_2) + ch\gamma_2 l_2 + sh\gamma_2 l_2 \right); \end{aligned} \quad (5)$$

$$\begin{aligned} Z_{\text{ПШП}} &= \left( ch\gamma_2 l_2 + \frac{Z_{\text{В2}} sh\gamma_2 l_2}{Z_{\text{ВХ3}}} \right) * Z_{\text{ВХК2}} + Z_{\text{В2}} sh\gamma_2 l_2 \rightarrow \\ &\rightarrow + Z'_{\text{ВХН2}} * \left[ \frac{ch\gamma_2 l_2}{Z_{\text{ВХ1}}} + \frac{1}{Z_{\text{В2}}} sh\gamma_2 l_2 + \frac{1}{Z_{\text{ВХ3}}} \left( ch\gamma_2 l_2 + \frac{Z_{\text{В2}} sh\gamma_2 l_2}{Z_{\text{ВХ1}}} \right) \right] \rightarrow \\ &\rightarrow + ch\gamma_2 l_2 + \frac{Z_{\text{В2}} sh\gamma_2 l_2}{Z_{\text{ВХ1}}}. \end{aligned} \quad (6)$$

$$Z_{\text{ВХ1}} = \frac{\left(\frac{Z_{\text{ПО}} \cdot Z'_{\text{ВХН}}}{Z_{\text{ВО}} + Z'_{\text{ВХН}}} \cdot ch\gamma_1 l_1 + Z_{\text{В1}} sh\gamma_1 l_1\right) \cdot Z_{\text{ВХК1}}}{\left(\frac{Z_{\text{ПО}} \cdot Z'_{\text{ВХН}}}{Z_{\text{ВО}} + Z'_{\text{ВХН}}} \cdot \frac{1}{Z_{\text{В1}}} sh\gamma_1 l_1 + ch\gamma_1 l_1\right) + Z_{\text{ВХК1}}};$$


$$Z_{\text{ВХЗ}} = \frac{Z'_{\text{ВХНЗ}} * \left( \frac{ch\gamma_3 l_{\text{ДЗШП}} * \frac{R_{\text{Ш2}} * Z_{\text{В3}}}{R_{\text{Ш2}} + Z_{\text{В3}}} + Z_{\text{В3}} sh\gamma_3 l_{\text{ДЗШП}}}{Z_{\text{В3}}} + \left( \frac{1}{Z_{\text{В3}}} sh\gamma_3 l_{\text{ДЗШП}} * \frac{R_{\text{Ш2}} * Z_{\text{В3}}}{R_{\text{Ш2}} + Z_{\text{В3}}} + ch\gamma_3 l_{\text{ДЗШП}} \right) \right)}{Z'_{\text{ВХНЗ}} * \left( \frac{ch\gamma_3 l_{\text{ДЗШП}} * \frac{R_{\text{Ш2}} * Z_{\text{В3}}}{R_{\text{Ш2}} + Z_{\text{В3}}} + Z_{\text{В3}} sh\gamma_3 l_{\text{ДЗШП}}}{Z_{\text{В3}}} + \left( \frac{1}{Z_{\text{В3}}} sh\gamma_3 l_{\text{ДЗШП}} * \frac{R_{\text{Ш2}} * Z_{\text{В3}}}{R_{\text{Ш2}} + Z_{\text{В3}}} + ch\gamma_3 l_{\text{ДЗШП}} \right) \right)}$$

Юқорида келтирилган аналитик ифодалар асосида поезднинг кириши ва чиқиши бўйича қўшимча шунтлаш зоналарини аниқлашнинг, уч қисмлари бўйича изоляция қаршилигининг турли қийматлари, сигнал токнинг частоталари ва киришдаги кириш қаршиликлари модули ва аргументи учун ҳамда алгоритми ва дастури ишлаб чиқилди:




2-расм. Кўшимча шунтлаш зонаси узунлигининг: (а) поезднинг чикиши ва поезднинг (б) яқинлашиши бўйича боғлиқлик графикалари

Назорат қилинадиган участканинг чегарасини аниқ белгилаб қўйиш учун поезд назорат майдонга яқинлашиб келганида, ток қабул қилгичли назорат датчикларини қўллаш тавсия этилади (3-расм).



3-расм. Ток қабул қилгичли назорат датчиги схемаси

Поезд  $R_{ш2}$  назорат қилинадиган майдонга яқинлашганда, сигнал токи қабул қилувчи ғалтаклар устидан оқишда давом этади ва ток қабул қилгич ТП2 шунтланмай, қабул қилгич ғалтаклардан ўтиб кетганидан сўнг, поезд узатиш токини шунтлайди ва ТП2 ток қабул қилгичи ўчиб, ҳаракатланувчи бирликнинг йўлнинг назорат қилинадиган қисмига кириб келишини аниқ-равшан назорат қилади, аммо бу занжирлар ҳам назорат датчиклардан узоқлашаётган поездга боғлиқ. Поезд назорат қилинадиган майдонни тарк этганида, у муайян  $l_{дзш}$  масофадан ток қабул қилувчини шунтлашни давом эттиради. Ушбу масофани аниқлаш учун, 4-расмдаги схема таклиф этилади.



4-расм. Йўл ток қабул қилгичили назорат датчигининг асосий алмаштириш схемаси

Поезднинг назорат қилинадиган участкадан кетиш бўйича максимал қўшимча шунтлаш зонасини йўл ток қабул қилгичи бўйича қуйидаги формулага биноан аниқлаш мумкин:


$$K_{\text{шнт}} = \frac{Z_{\text{шнт}}}{N \cdot Z_{\text{пот}}} \geq 1, \text{ каерда}$$

$$Z_{\text{шнт}} = \frac{Z_{\text{вх1}} \cdot Z'_{\text{вхн}}}{Z_{\text{вх1}} + Z'_{\text{вхн}}} (ch\gamma l + Z_B sh\gamma l + \frac{Z_{\text{вх1}} \cdot Z'_{\text{вхн}}}{Z_{\text{вх1}} + Z'_{\text{вхн}}} (\frac{ch\gamma l \cdot ch\gamma_{\text{дзшут}} l_{\text{дзшут}}}{Z_{\text{вдзшут}} sh\gamma_{\text{дзшут}} l_{\text{дзшут}} + \rightarrow$$

$$\rightarrow + \frac{Z_B sh\gamma l \cdot ch\gamma_{\text{дзшут}} l_{\text{дзшут}}}{Z_{\text{вдзшут}} sh\gamma_{\text{дзшут}} l_{\text{дзшут}} + ch\gamma l);$$

$$Z_{\text{пот}} = \frac{Z_B}{Z_B + Z'_{\text{вхн}}} (ch\gamma l \cdot Z'_{\text{вхн}} + Z_B sh\gamma l + Z'_{\text{вхн}} (\frac{1}{Z_B} sh\gamma l \cdot Z'_{\text{вхн}} + ch\gamma l)).$$

Йўл ток қабул қилувчиси бўлган участкалар ҳолатини назорат қилиш датчиклари учун, поезднинг кетиш йўли бўйлаб қўшимча шунтланиш зонасининг узунлигини аниқлаш бўйича алгоритм ва дастур ишлаб чиқилган бўлиб, тадқиқотлар натижаларини ўз ичига олган бир график 5-расмда келтирилган.




5-расм. Поезднинг назорат қилинаётган участкадан чиқиб кетишида ток қабул қилгичи бўйича қўшимча шунтлаш зонасининг узунликларининг боғлиқликлари графиклари

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларининг таҳлилидан қўшимча шунтланиш зоналари кенг миқёсда ўзгариб туриши ва кўплаб параметрларга, жумладан об-

ҳаво шароитларига боғлиқ эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Шунга боғлиқ равишда рельс занжирининг аниқ чегарасини аниқлаш ва светофорларни ўрнатиш билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келади.

Ушбу узунликларни барқарорлаштириш учун техник ечимлар таклиф этилиб, улардан бири поезд яқинлашиб келиш йўлида рельс занжирининг чегарасини аниқ белгилаб қўйиш учун йўлга оид қабул қилгичини ахборотни жорий токли олиш усули билан киритиш шарт, аммо бу ҳолда токни йўл қабул қилгичининг икки томонлама шунтлиниш самараси пайдо бўлади.




6-расм. Потенциал ва токли қабул қилгич мосламали ва рельс линиясининг ўртасида электр таъминотиغا эга бўлган назорат датчикларининг схемаси

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун электр таъминотини рельс занжирининг ўртасига ўрнатиш ва рельс занжирининг қабул қилиш уч қисмларига иккита қабул қилгич ўрнатиш таклиф этилади: потенциал ва ток олинадиган. (Изоляция уламаларисиз рельс занжири тармоғи қурилмаси. Фойдали моделга патент 2015 йил 21 июльдаги № FAP 01132 рақами). Бундай рельс занжирининг схемаси 6-расмда келтирилган.

Адаптив қабул қилгичли назорат датчикларининг оптимал параметрларини аниқлаш, таҳлил, синтез қилиш ва ҳисоб-китобини амалга ошириш учун асосий математик ифодалар бу рельс тўрт кутблӣ мосламаларининг нормал ва назорат режимларида ишлайдиган коэффициентлари, ҳамда назорат датчикларининг шунтли ва назорат режимларида ишлашидаги сезгирлик мезонлари бўлиб ҳисобланади.

Адаптив қабул қилгичли назорат датчигининг алмаштириш схемаси 7-расмдаги схема шаклида тақдим этилган.





7-расм. Назорат датчикларини адаптив қабул қилувчи билан алмаштириш схемаси

Ушбу схема бўйича, бир нечта ўзгаришлардан сўнг, рельсларнинг тўрт кубтбли коэффициентлари датчикнинг нормал ва назорат иш режимида қабул қилинди:

а) нормал фаолият режими

$$A_{3n} = \text{ch}\gamma_{32}l_{32} + \frac{Z_{\text{вх}32} \cdot \text{sh}\gamma_{32}l_{32}}{Z_{\text{вх}4}}, \quad (7)$$

$$B_{3n} = Z_{\text{вх}32} \cdot \text{sh}\gamma_{32}l_{32}; \quad (8)$$

$$C_{3n} = \frac{1}{Z_{\text{вх}32}} \cdot \text{sh}\gamma_{32}l_{32} + \frac{\text{ch}\gamma_{32}l_{32}}{Z_{\text{вх}3\text{л}}} \rightarrow$$

$$\rightarrow \frac{\text{ch}\gamma_{32}l_{32} \cdot Z_{\text{вх}3\text{л}} + \text{sh}\gamma_{32}l_{32}}{Z_{\text{вх}4} \cdot Z_{\text{вх}3\text{л}}}; \quad (9)$$

$$D_{3n} = \text{ch}\gamma_{32}l_{32} + \frac{Z_{\text{вх}32} \cdot \text{sh}\gamma_{32}l_{32}}{Z_{\text{вх}3\text{л}}}. \quad (10)$$

бунда  $Z_{\text{вх}32}$ ,  $Z_{\text{вх}31}$  – учинчи рельс линиясининг тўлқинли қаршиликлари;  $\gamma_{31}$  ва  $\gamma_{32}$  – учинчи рельс линиясининг тўлқинли тарқалиши доимийси;

$$Z_{\text{вх}4} = \frac{Z_{\text{вх}4} \left[ \frac{\text{ch}\gamma_{42}l_{4\text{ш}} \cdot R_{\text{ш}4} + Z_{\text{вх}4\text{ш}} \text{sh}\gamma_{4\text{ш}}l_{4\text{ш}}}{C_{4\text{ш}} = \frac{1}{Z_{\text{вх}4\text{ш}}} \text{sh}\gamma_{4\text{ш}}l_{4\text{ш}} \cdot R_{\text{ш}2} + \text{ch}\gamma_{4\text{ш}}l_{4\text{ш}}} \right]}{Z_{\text{вх}4} + \frac{\text{ch}\gamma_{42}l_{4\text{ш}} \cdot R_{\text{ш}4} + Z_{\text{вх}4\text{ш}} \text{sh}\gamma_{4\text{ш}}l_{4\text{ш}}}{\frac{1}{Z_{\text{вх}4\text{ш}}} \text{sh}\gamma_{4\text{ш}}l_{4\text{ш}} \cdot R_{\text{ш}4} + \text{ch}\gamma_{4\text{ш}}l_{4\text{ш}}}};$$

$$Z_{\text{вх}3\text{л}} = \frac{\text{ch}\gamma_{31}l_{31} \cdot \frac{Z_{\text{вх}2} \cdot Z_{\text{вх}3} + Z_{\text{вх}31} \text{sh}\gamma_{31}l_{31}}{Z_{\text{вх}2} + Z_{\text{вх}3}}}{\frac{1}{Z_{\text{вх}31}} \text{sh}\gamma_{31}l_{31} \cdot \frac{Z_{\text{вх}2} \cdot Z_{\text{вх}3}}{Z_{\text{вх}2} + Z_{\text{вх}3}} + \text{ch}\gamma_{31}l_{31}}.$$

в) рельс линияларидан бири узилганида:

$$A_{\text{нн}} = \text{sh}\gamma_{13} + \text{ch}\gamma_{13} + \frac{1}{2}E\sqrt{1 + 2p}[\text{sh}\gamma_{13} + \text{ch}\gamma_{13} + 1];$$

$$B_{\text{ка}} = Z_{\text{в}} \text{sh}\gamma l_3 + \frac{1}{2} E Z_{\text{в}3} \sqrt{1 + 2p} (\text{ch}\gamma l_3 + 1); \quad (12)$$

$$C_{\text{ка}} = \frac{2}{Z_{\text{в}}} (\text{sh}\gamma l_3 + \text{ch}\gamma l_3) + \frac{1}{2Z_{\text{в}}} E \sqrt{1 + 2p} [\text{sh}\gamma l_3 + \text{ch}\gamma l_3 - 1] + \rightarrow \\ \rightarrow + \frac{1}{Z_{\text{вх}3}} (\text{sh}\gamma l_3 + \text{ch}\gamma l_3 + \frac{1}{2} E \sqrt{1 + 2p} [\text{sh}\gamma l_3 + \text{ch}\gamma l_3 + 1]); \quad (13)$$

$$D_{\text{ка}} = \text{sh}\gamma l_3 + \text{ch}\gamma l_3 + \frac{1}{2} E \sqrt{1 + 2p} \cdot \text{sh}\gamma l_3 (1 + E \sqrt{\frac{1}{1+2p}}) + \rightarrow \\ \rightarrow \frac{1}{Z_{\text{вх}3}} (Z_{\text{в}} \text{sh}\gamma l_3 + \frac{1}{2} E Z_{\text{в}3} \sqrt{1 + 2p} (\text{ch}\gamma l_3 + 1)). \quad (14)$$


Юқоридаги иборалардан фойдаланиб, барча рельс линияларининг ҳар қандай комбинацияда изоляциялаш қаршилигидаги ўзгариш билан кучланиш ва ток қийматларини ҳисоблаш мумкин бўлиб, бу билан исталган иш режимида адаптив қабул қилгичли назорат датчикларини ўрганиш мумкин.

Рельс линияларининг РЛ<sub>3</sub> учидagi кучланиш ва тоқларини асосий схемаси бўйича ҳисобланади, ҳар қандай темир йўл линиялари, поездларнинг ҳар қандай координаталари ва ушбу поездларнинг ҳар қандай узунлиги бўйича ҳар қандай изоляциялаш чидамлилиги билан амалга оширилиши мумкин. Адаптив қабул қилгичли назорат датчикларини тадқиқ этиш учун математик модел, алгоритм ва дастур ишлаб чиқилди.

Темир йўл линиясининг модели етарлича эгилувчан ва темир йўл линияси барча параметрларини ва поезд жойлашини ўзгартиришга имкон беради. Айниқса, ҳисоблашгача ва ҳисоблаш вақтида, ҳар бир темир йўл линияси учун изоляциялаш қаршилигини созлаш мумкин. Бу бир ёки бир неча поездларнинг ҳаракати изоляция қаршилигини ўзгартирганда реал вазиятни тақлид қилиш имконини беради.

Диссертациянинг учинчи бобида «Локомотив қабул қилгич томонидан йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш учун назорат датчикларининг математик моделлари ва ҳисоблаш усуллари» кўриб чиқилди.

Назорат датчиклари перегонда йўл светофорлари бўлмаган, айниқса поездлар ҳаракати автоматик локомотив сигнализацияси (АЛС) билан назорат қилинган ҳолларда яхши самара беради. Бундай ҳолларда назорат датчигининг чегаралари ноаниқлиги амалий аҳамиятга эмас ва фақат потенциал қабул қилгич қўлланиши мумкин бўлиб, бу ҳолда АЛС локомотив қабул қилгичига юқори талаблар қўйилади. Локомотив қабул қилгичи рельсдаги ток Іл томонидан локомотив қабул қилгичига йўналтириладиган э.ю.к. ҳисобига ишлаб кетади (8-расм).



8-расм. Локомотив қабул қилгичи бўйлаб йўл участкаларининг ҳолатини назорат қилиш датчиги схемаси

Поезд рельс занжири РЦ3 га кириб келганида йўл генератори ПГ3 дан локомотив ғалтаклари остидан РЦ2 рельс занжирининг ҳолати ҳақида ахборотга эга бўлган ток ўтиб, поезднинг йўл қабул қилгичи ПП2 га яқинлаши билан, ўчади ва локомотивга сигнал жўнатишни тўхтатади, лекин локомотивга сигнал йўл генератори ПГ2 дан келиб туша бошлайди. Ушбу сигнал даражаси рельс занжири РЦ1 дан чиқиб кетаётган поездга боғлиқ. Шунинг учун ҳисоб-китобларда бу ҳолат ҳисобга олиниши керак.

Локомотив сигнализацияси қабул қилиш ғалтаклари остидан оқадиган токни электр таъминот кучланишининг назорат датчиги узатилиш қаршилигига нисбатини олиб аниқлаш мумкин:

рельс линиялари соз ҳолатида:

$$I_{лн} = \frac{U_{мин}}{Z_{лн}},$$

бу ерда,  $U_{мин}$  - нормал ишлаш режимида электр таъминотининг кучланиши,

$Z_{лн}$  – локомотив қабул қилгичи бўйича назорат датчигининг нормал иш режими учун қаршилиги, у қуйидаги тенглама бўйича аниқланади:

$$Z_{лн} = A_{лн} * Z_{вкк} + B_{лн} + (C_{лн} + D_{лн}) * Z'_{вкк},$$

рельс линияларидан бири узилганида:

$$I_{лк} = \frac{U_{тнк}}{Z_{лк}},$$


бунда,

$U_{тнк}$  - бир ипнинг узилиш режимида электр таъминоти манбаининг кучланиши,

$Z_{лк}$  - бу назорат датчигининг локомотив қабул қилувчи мосламаси томонидан бир ипнинг узилиш режими учун узатиш қаршилиги, бу қуйидаги тенглама билан аниқланади:

$$Z_{\text{ПЛК}} = A_{\text{ЛК}} * Z_{\text{ВХК}} + B_{\text{ЛК}} + (C_{\text{ЛК}} + D_{\text{КН}}) * Z_{\text{ВХН}}^I,$$

$A_{\text{ЛН}}$ ,  $B_{\text{ЛН}}$ ,  $C_{\text{ЛН}}$ ,  $D_{\text{ЛН}}$ ,  $A_{\text{ЛК}}$ ,  $B_{\text{ЛК}}$ ,  $C_{\text{ЛК}}$  ва  $D_{\text{ЛК}}$  коэффициентлари учун ҳисобланган тенгламаларни олиш учун юқорида келтирилган вазиятларни ҳисобга олган ҳолда темир йўл занжирлари схемасини 9-расмдаги ўрнини босиш (алмаштириш) схемаси кўринишида тақдим этамиз.



9-расм. Локомотив қабул қилгичи бўйича йўл участкалари ҳолатини назорат қилиш датчигининг алмаштириш схемаси

Бир қатор ўзгаришлар ва ҳисоб-китоблардан сўнг, локомотив қабул қилгичи бўйича назорат датчигининг соз ҳолдаги рельс ипларида рельс тўрт қутбли мосламасининг қуйидаги коэффициентлари олинди:

$$A_{\text{ЛН}} = \text{ch}\gamma_{\text{рл3}} l_{\text{дшк}} \left( \text{ch}\gamma_{\text{рл2}} l_{\text{рл2}} + \frac{Z_{\text{врл2}} \text{sh}\gamma_{\text{рл2}}}{Z_{\text{вхн}}^I} \right) + \rightarrow$$

$$\rightarrow + Z_{\text{врл2}} \text{sh}\gamma_{\text{рл2}} * \frac{1}{Z_{\text{врл3}}} \text{sh}\gamma_{\text{рл3}} l_{\text{дшк}}; \quad (15)$$

$$B_{\text{ЛН}} = Z_{\text{вх2}} [\text{ch}\gamma_{\text{рл3}} l_{\text{дшк}} (\text{ch}\gamma_{\text{рл2}} l_{\text{рл2}} + \frac{Z_{\text{врл2}} \text{sh}\gamma_{\text{рл2}}}{Z_{\text{вхн}}^I}) + \rightarrow$$

$$\rightarrow + Z_{\text{врл2}} \text{sh}\gamma_{\text{рл2}} * \frac{1}{Z_{\text{врл3}}} \text{sh}\gamma_{\text{рл3}} l_{\text{дшк}}] + Z_{\text{врл3}} \text{sh}\gamma_{\text{рл3}} l_{\text{дшк}} * \rightarrow$$

$$\rightarrow * (\text{ch}\gamma_{\text{рл2}} l_{\text{рл2}} + \frac{Z_{\text{врл2}} \text{sh}\gamma_{\text{рл2}}}{Z_{\text{вхн}}^I}) + Z_{\text{врл2}} \text{sh}\gamma_{\text{рл2}} * \text{ch}\gamma_{\text{рл3}} l_{\text{дшк}}; \quad (16)$$

